“Навоийазот”ни “яшил” энергия билан таъминлайдиган йирик қувватли қуёш фотоелектр стансияси ва энергия сақлаш тизими барпо этилди

// 12.11.2026
https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/navoiyazot-ni-yashil-energiya-bilan-taminlaydigan-yirik-quvv



Навоий вилоятининг Кармана туманида юртимизнинг йирик саноат корхоналаридан бири — “Навоийазот” АЖни қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобидан электр энергияси билан таъминлашга қаратилган муҳим инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Мазкур лойиҳа саноат тармоқларида “яшил” энергиядан фойдаланиш кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларининг энергия таъминоти барқарорлигини мустаҳкамлаш ҳамда анъанавий энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжни камайтиришда алоҳида аҳамиятга эга.



Хитойнинг “Sinoma” компанияси томонидан **тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари** ҳисобидан амалга оширилган лойиҳанинг умумий қиймати **220 млн АҚШ долларини** ташкил этади. Унинг доирасида умумий қуввати **300 МВт бўлган қуёш фотоелектр стансияси** ҳамда **75 МВт қувват ва 75 МВт·соат энергия сиғимига эга сақлаш тизими** барпо этилди.

Энг муҳими, мазкур қуёш фотоелектр стансияси “Навоиязот” АЖга тўғридан-тўғри уланган бўлиб, ишлаб чиқарилган “яшил” энергия бевосита корхонанинг эҳтиёжларига йўналтирилади. Станция йилига **657 млн кВт·соат** электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятига эга. Бу эса йирик саноат корхонасининг энергия таъминотида қайта тикланувчи манбалар улушини ошириш, йилига қарийб **175 млн куб метр табиий газни тежаш** ва атмосферага чиқариладиган карбонат ангидрид миқдорини **377,8 минг тоннага камайтириш** имконини беради.



Энергетика вазири Шерзод Ходжаев мазкур объектда бўлиб, қуёш фотоелектр стансияси ва энергия сақлаш тизимининг фаолияти, ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда “яшил” энергияни саноат корхонасига бевосита етказиб бериш имкониятлари билан танишди.

Бу лойиҳа қайта тикланувчи энергия манбаларини саноат ишлаб чиқаришига кенг жорий этиш, йирик корхонанинг энергия таъминотини диверсификация қилиш ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришда углерод изини камайтириш учун янги имкониятлар яратади. Шу билан бирга, қурилиш жараёнида маҳаллий аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳудуд иқтисодий фаоллигини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.